Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 10 октябрь, шанба № 200 (21.298).

БИШКЕК: ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

9 октябрь куни Бишкекда МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг кенгаши ўз ишини якунлади.

Ўтган йил декабрида Беларусдаги Беловежск қўриқхонасида асос солинган бундай учрашувларнинг саноқ тартиби бўйича саккизинчиси бўлмиш Бишкек анжуманига астойдил тайёргарлик кўрилди. Учрашув муддатидан хийла кечиктирилиши бунинг далилидир. Қирғизистон пойтахтидаги мулоқотда эришилган аҳдлашувлар МДҲнинг давлатлараро сиёсатни ҳамкорлик негизида мувофиқлаштириб турувчи механизмга айланаётганидан далолат беради.

Давлат раҳбарлари кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари кенгашининг қўшма мажлисида сиртдан ғоят мураккаб туюлган 8 масала борасида бир тўхтамга келиш учун бор-йўғи икки соат зарур бўлди, холос.

Давлат раҳбарлари кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари кенгашининг алоҳида мажлислари кун тартибига қўйилган масалалар бўйича ҳам худди шундай бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинлик борасидаги халқаро мажбуриятлар ҳақидаги декларацияни ҳисобга олмаганда давлат раҳбарлари кенгаши ўз тарихида биринчи марта барча масалалар бўйича муайян қарорга келди.

Бишкекда имзоланган битим-аҳдномаларнинг аҳамияти шундаки, аввало, ҳамдўстлик аъзолари ўртасидаги иқтисодий-молиявий тизимни йўлга қўювчи мувофиқлаштирирувчи идораларга асос солинди. Бу эса МДҲ мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Энди ҳамма гап бу муҳим ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишида.

Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувини МДҲга асос солинганининг бир йиллиги арафасида — 4 декабрь куни Минскда ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

* * *

Бишкек учрашувида қатнашган Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси 9 октябрда Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ». АЛ-ХОРАЗМИЙ, АТ-ТЕРМИЗИЙ, ИМОМ БУХОРИЙ, ЯССАВИЙ, АМИР ТЕМУР, АЛИШЕР НАВОИЙ ВА БОБУРЛАРНИНГ ВАТАНИ—ЎЗБЕКИСТОНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

УЧ ҚИТЪА ЮЛДУЗЛАРИ

● Кун бўйи шивалаб ёғаётган ёмғир кечга томон тинди. Эҳтимол, табиат ўлкамизда бошланаётган маданият ва санъат байрами — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали бошланиши олдидан мурувват кўрсатгандир...



Айни чоғда бу галги кузнинг таровати ўзгача. Нафаси ҳам, жилваси ҳам ўзгача. Бу бежиз эмас, албатта.

Кузнинг дастлабки куни — 1 сентябрда Она Ватанимиз — Ўзбекистон эришган мустақилликнинг бир йиллигини зўр қувонч, катта тантана билан нишонладик.

Кузнинг иккинчи ойи — октябрь ҳам ўлкамизга шодлик олиб келди. Уч қитъа мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали тантанали юриш бошлади.

„Не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлган Халқлар дўстлиги саройига келаётган одамларнинг кети узилмайди. Мана, ҳашаматли зал тамошабинлар билан лиқ тўлди. Улар орасида Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган артистларни, ажнабий меҳмонларни, диёримиз экран санъати намояндаларини кўрамиз.

Саҳнага Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари, фестивалда қатнашиш ниятида пойтахтимизга ташриф буюрган элликкка яқин мамлакат, шунингдек Ўзбекистон киносанъатининг намояндалари чиқиб келадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўринбосари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси Э. Самандаров фестивални очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов республика Президенти Ислом Каримовнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттиради.

Э. Самандаров фестиваль бутун дунёда катта қизиқиш уйғотганини, жаҳоннинг халқаро ва миллий ташкилотларидан вакиллар келганини таъкидлаб, уларни самимий қутлайди. Анжуман дастури унинг ғоят қизғин ва ишчанлик руҳида ўтишини кўрсатиб турибди. Кино усталари ўн тўртта бадиий фильмни танловга тақдим этадилар. Кино бозори иш бошлайди, неча ўнлаб кинотеатрларда фильмлар намойиш этилади, томошабинлар билан қизиқарли учрашувлар бўлади. Фестивалнинг шиори оддий: **АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!** Бу — сизга тинчлик, хонадонингизга хотиржамлик ато этсин, деганидир.

Шундан кейин ҳинд киноюлдузи Варшахоним, Тунислик машҳур актёр Нуриддин Каспун, таниқли ўзбек актрисаси Дилором Қамбарова тантанавор мусиқа садолари остида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали байроғини кўтарадилар.

(Давоми иккинчи бетда).



СУРАТЛАРДА: 1. Кинофестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари. 2. Режиссёр Рандхир Капур.
Ф. ҚУРОНБОЕВ ва В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзА) олган суратлар.

• *Асосий Қонун лойиҳаси— муҳокамада*

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ФИКРИ БЎЛСИН

Кеча Самарқандда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан жумҳурият Асосий Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган регионал кенгаш бўлди. Унда Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жизах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари туман партия кенгаши ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов кириш сўзи билан очди.

— Биз учун энг муҳими, партия аъзоларининг Конституция лойиҳаси муҳокамасида фаол қатнашишларидир. — деди нотиқ. — Қатнашиш деганда мен лойиҳа бандларини шунчаки маъқуллаш эмас, балки партия манфаатлари йўлида уларни ўзгартириш устида салмоқли таклифлар билан чиқишни назарда тутяпман.

Самарқанд вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Нишонов ташриф буюрганлар ҳузурида табрик нутқи сўзлади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Саидов партия Марказий Кенгаши ишчи гуруҳининг лойиҳага муносабати ҳақида маъруза ўқиди.

Шундан сўнг жонли мулоқот бошланди. Партия раҳбарлари тўпланганларнинг кўпдан кўп ва хилмахил саволларига жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов Самарқанд пойабзал фабрикаси ва нон маҳсулотлари бирлашмасида бўлиб, бу жамоаларда партия аъзоларига янги билетларини топширди.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИЛМ-ФАН СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Илм-фан соҳаси ходимларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга улар қўшган ҳиссани эътиборга олиб:

1. «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонининг қуйидаги қисми республика илм-фан соҳаси ходимларига жорий этилсин:

— улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартиралар шахсий мулк қилиб бепул топширилсин;

— ер участкалари ва якка тартибда уй-жойлар қуришга сотиб олиш учун бинокорлик материаллари биринчи навбатда ажратиб берилсин.

Ушбу фармон 1-бандининг амал қилиши меҳнат фаолиятининг ана шу соҳасида камида 10 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган илмий ходимлар жумласига кирувчи нафақахўрларга ҳам жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрласин.

3. Ушбу фармон эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

• *Телеграмма* •

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА

Ш. Р. РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗУВЧИ ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИ РАИСИ И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВГА

Ўзбекистон енгил саноат уюшмасининг кўп минг кишилик жамоаси Президент И. Каримов ва унинг ҳукумати республикани иқтисодий ва маънавий юксалтириш соҳасида юргизаётган сиёсатини қизғин маъқуллаб, Шароф Рашидов юбилейини муносиб нишонлаш учун унинг номидаги фондга бир миллион сўм маблағ ўтказди.

Ўзбекистон енгил саноат ассоциацияси бошқарувининг раиси Ў. ИСМОИЛОВ.

* * *

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Ш. Рашидовнинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида «Ўзбекдонмаҳсулот» давлат концерни бўлинмалари Ш. Рашидов фондига бир миллион сўм маблағ ўтказдилар. Фонд Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқимизни маънавий бойитиш учун хизмат қилишига ишонамиз.

«Ўзбекдонмаҳсулот» концерни раиси
Т. МИРЕҚУБОВ.

● Шароф Рашидов номли фондга қуйидаги меҳнат жамоалари пул ўтказишди:

● Янгийўлдаги Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — 15 минг сўм.

● Аму-Бухоро канали қурилиши бошқармаси — 50 минг сўм.

● Қашқадарё вилояти, Ульянов районидаги 18-давлат хўжалиги — 20 минг сўм.

● Лаклака қишлоқ Кенгаши «Нурафшон» жамоа хўжалиги — 10 минг сўм.

● «Ромитан» давлат хўжалиги — 10 минг сўм.

● 985-ишлар бошқармаси (ТПО «ЎзТСС») — 15 минг сўм.

● Бухородаги 2-қурилиш трести — 20 минг сўм.

● Келесдаги дастлабки виночилик заводи — минг сўм.

● Бухоро вилояти давлат суғуртаси бошқармаси — 3 минг сўм.

● Моддий техника таъминоти махсус базаси — 5 минг сўм.

● Булка-қандолатчилик корхонаси — 10 минг сўм.

Жамғарманинг банк ҳисобини эслатиб ўтамиз: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармаси Ҳисоб-китоб марказидаги рақам — 000700825, (код рақами — 172682116).

ЭСЛАТМА: Шароф Рашидов фондига ўз улушини қўшган идоралар, ташкилотлар, корхона ва муассасалар диққатига!

Фондга саховатингиз ҳақида жамоа раҳбари ва бош ҳисобчи имзоси билан расмий маълумотни «Ўзбекистон овози» редакциясига ҳам маълум қилишингизни сўраймиз. Хайрли ишингиз ҳақида бутун жумҳурият аҳли хабар топсин.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазири жаноб Р. Л. Бхатия 9 октябрь куни республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев билан учрашди.

Дўстона суҳбат чоғида Олий Кенгаш Раиси ҳурматли меҳмонга Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоларидир. Улар ўртасида ҳар томонлама иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти олиб бораётган сиёсатига юксак баҳо берди. Менинг мамлакатим ҳар иккала томон учун манфаатли ҳамкорликка тайёрдир, деди у.

Учрашувда Ҳиндистон ҳукуматининг Ўзбекистон Республикасидаги муваккат вакили жаноб А. К. Мукержи ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

* * *

Шу куни Ҳиндистон давлат ташқи ишлар вазирини Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков қабул қилди. Жаноб Р. Л. Бхатия Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбарияти ва Беруний номидаги шарқшунослик институти жамоаси билан ҳам учрашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ

ШАРТНОМА РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖАМОАТЧИ МУХБИРИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Россия Федерацияси Олий Кенгашининг бешинчи сессияси кун тартибидан кўп масалалар қатори «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ҳамда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги Шартномани ратификация қилиш ҳам алоҳида ўрин олган. Бу муҳим шартноманинг ратификацияси ҳар иккала мустақил давлатга қанчалик муҳим ва зарурлигини давлатлар раҳбарлари, парламент аъзолари ва депутатлар ҳамда сиёсатшунослар ҳам яхши биладилар. Шу боис 7 октябрь куни мазкур шартномани ратификация қилиш арафасида Россия Федерацияси Олий Кенгашининг раиси Р. Хасбулатов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. Абдуллаев билан учрашди.

НИНГ МОСКВАДАГИ ФАХРИДДИН ПАРПИЕВ

Дўстлик, ҳамкорлик ва мазкур шартномани ратификациялаш билан боғлиқ масалалар дўстона суҳбатнинг асосий мавзусини ташкил этди. Элчи Руслан Имроновичга суверен, мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, унинг халқаро миқёсда ортиб бораётган обрў-эътибори ҳақида ҳар томонлама ва батафсил гапириб берди.

Р. И. Хасбулатов Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати концепциясининг асосий қоидалари, Президент И. Каримовнинг олиб бораётган сиёсати билан қизиқди. Республика тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятлари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг принциплари, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг асослари суҳбатдошлар диққат марказида бўлди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси орасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу ҳамкорлик ва алоқаларни мустаҳкамлаш бундан кейин ҳам Россия ва Ўзбекистонни бир-бирига яна яқинлаштиради.

* * *

9 октябрь куни Россия Олий Кенгаши «Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида»ги Шартномани тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисни Олий Кенгаш раиси Р. И. Хасбулатов бошқарди. Унда раис ўринбосарлари С. А. Филатов, Ю. М. Воронин, Ю. Ф. Ярон, парламент республикалар кенгашининг раиси И. Т. Рябов ҳозир бўлдилар. Россия Федерациясининг Олий Кенгаши Шартномани якдиллик билан тасдиқлади.

Р. И. Хасбулатов муҳокама қилинган масалага якун ясар экан, шундай деди: «Ҳурматли ҳамкасблар! Ҳаммангизни давлатларимиз ва халқларимизни яқинлаштириш пойдеворига яна битта ғишт қўйилгани билан табриклайман».

ПАХТАМИЗ БИР МИЛЛИОН ТОННАГА ЕТДИ

БЎЗДА МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

● Район пахтакорлари бу йил ўзгача ғайрат билан меҳнат қилдилар. Улар Андижон хирмонига режадаги 24 минг тонна ўрнига 30 минг тонна «оқ олтин» топширишни дилларига тугиб қўйдилар. Шуниси қувончлики, бу ерда етиштирилган пахтанинг 80 фоизи машиналарда териб олинади. Тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлди. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилди. Дефолиация барвақт ўтказилди.

Теримга тайёрланган машиналарнинг ҳаммаси кўрикдан ўтказилди. Улуғбек номли жамоа хўжалигидан М. Рўзиев, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан А. Болтабоев, М. Жалолов номли давлат хўжалигидан А. Охунов ўз машиналарини сифатли тайёрлаганликлари учун ҳар бири уч минг сўмдан мукофот олишди.

Бу йилги мавсумда Бўз далаларида 200 та «зангори кема» ишлатилади. Уч-тўрт машинадан иборат терим гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар таркибида таъминот, таъмирлаш, транспорт, ва маиший хизмат кўрсатиш бўлинмалари бор. Терим олдидан ҳар бир механизаторга бир қопдан бепул ун берилди. Маннон Жалолов номли давлат хўжалигида эса бир қоп ун ёнига 30 килограмм гуруч ҳам қўшиб берилди.

Бўзликлар машинада пахта териш мавсумини ана шундай кўтаринкилик билан бошладилар. Улуғбек, Навоий, Юсуфжон Шодмонов номли жамоа хўжаликларида мавжуд «зангори кема»ларнинг деярли ҳаммаси пахтазорларга олиб қирилди. Аъзамжон Ҳасанов, Турсунали Тожибоев, Абдумухтор Ғаниев, Қосимжон Рўзиев ва бошқа механизаторлар «пўлат этак»лардан кунига 6—7 тоннадан пахта тўка бошладилар. Улар мавсумда 150—180 тоннадан пахта теришга сўз бердилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	2,48	45,60
Бухоро	1,46	37,01
Андижон	3,32	35,59
Сурхондарё	2,15	29,72
Хоразм	1,38	29,42
Наманган	2,60	24,46
Қашқадарё	1,36	19,94
Қорақалпоғистон Республикаси	1,78	16,72
Навоий	0,61	14,35
Тошкент	0,20	8,57
Самарқанд	0,43	4,19
Сирдарё	0,10	3,40
Жиззах	0,12	2,20
Республика бўйича	**1,46**	**21,99**
1991 йилдагиси	**3,59**	**65,66**



И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

— Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ички ва ташқи сиёсат концепциясининг асосий қоидалари баён қилинган. Республиканинг кечаги куни, бугуни, келажаги ҳақидаги, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари, хусусидаги фикрлар китобнинг асосини ташкил этади. Бу эса жумҳуриятимиздаги ижтимоий фан вакиллари учун муҳим аҳамиятга эгадир, — деди Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти И. Искандаров куни кеча Тилшунослик институтида ўтказилган республика Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими йиғилишини оча туриб. Мазкур умумий мажлис Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифаларига бағишланди.

— Мустақил республиканинг биринчи президенти қаламига мансуб бу китоб аввало ҳукумат раҳбариятининг қатор муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий масалаларга муносабатини билдиради, — деди жумҳурият Фанлар академияси мухбир аъзоси М. Хайруллаев. — Қолаверса, китобдаги фикрлар, қўйилган масалалар яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасидаги моддалар, масалалар билан ҳамоҳанг бўлганлиги учун у маълум маънода республиканинг ҳуқуқий мақоми ва келажаги ҳақида устивор мулоҳаза, қарашларнинг асосий йўналишини ифодалайди. Бу эса ижтимоий фанларни ўрганиш, ўқитиш, тадқиқ қилишда уларнинг назарга олинишини тақозо этади. Рисоланинг бошидан-охиригача қайд этилган масала— бу Инсон масаласидир. Миллий мустақиллик асослари, унинг муҳим вазифалари, мақсади ҳақида гап борар экан, аввало инсон эркинлиги, инсон ҳуқуқи ҳимояси, унинг маънавиятини бойитиш, уни иқтисодий ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этиш каби масалалар устида мулоҳаза юритилади. Мустақил республиканинг шаҳдам одимлаши учун ана шундай дастурий ҳужжат жуда зарур эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисод институти директори О. Ҳикматов ўз фикрларини шундай баён этди:

— Мен бозор иқтисодиётига оқилона ўтган Япония, Жанубий Корея, Германия, Италия давлатларида бўлиб, шу муаммони ҳал қилиш дастурининг илмий асосларини ишлаб чиққан олимлар билан мулоқотда бўлганман. Шунда бозор муносабатларига ўтишда ҳамма давлатлар иккита моделдан биттасини танлаб олиши шарт деган фикрга келган эдим. Дастлабки маданий-индустриал моделда ишлаб чиқариш иқтисодий омиллар оқилона қўлланганлиги сабаб ўсиб боради, ишлаб чиқарилган моллар ҳажми ушбу давлат фуқаларининг талаб даражасидан анча кўп бўлади. Одамлар тижорат ишларини фақат қонунларга суяниб олиб борадилар ва бозорнинг иқтисодий қонунларини тан оладилар. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида мустаҳкам интизом барқарор бўлади. Кейинги, иқтисодий ўлчем савдогарлик моделида ишлаб чиқариш ўсмайди. Баъзи ишбилармонлар қонунсиз даромад топадилар.

Айтилган фикрларга тўла қўшилган ҳолда республика Фанлар академиясининг академиги С. Зиёдуллаев рисолада қишлоқ хўжалиги билан бирга саноат соҳасига ҳам кўпроқ эътибор берилганда мақсадга мувофиқ бўларди, деган таклифни билдирди.

— Мустақиллик ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўли — бу қийин, узоқ, текис бўлмаган йўл, — дея гап бошлади Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисод институти бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Раъно Убайдуллаева. — Беш юз ёки минг кунда бозор иқтисодиётини қуриб бўлмайди. Фақат босқичма-босқич, секин-аста, «шок терапияси»сиз ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин. Бу фикрлар китобнинг негизидир ва мен ўйлайманки, у республика социал-иқтисодий ривожланиш умумий концепциясининг асоси бўлиши керак. Бу борада демографик, миллий омилларга, иқтисодиётимизнинг тармоқ тузилиши ва унинг аҳолини иш билан бандлигига таъсири, фан-техника тараққиёти омили ва унинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги роли, экология муаммолари, ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қиладиган қобилиятли юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш масалаларига илмий изланишларимизни қаратмоғимиз лозим.

Ижтимоий-гуманитар фанлар олимларининг Президентимиз рисоласи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан шуни ўқиш мумкинки, мазкур китоб том маънода эртанги кунимиз учун дастурий ҳужжатдир. И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди. Улуғ келажак — олдинда».

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ТАКЛИФЛАР УМУМЛАШТИРИЛЯПТИ

● Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш, тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш учун вилоят ҳокими, республика конституция комиссиясининг аъзоси Т. Хидиров ранслигида махсус гуруҳ ташкил қилинган.

Яқинда ана шу гуруҳнинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Конституция лойиҳасини, корхоналар, ташкилотларда, меҳнат жамоларида, аҳолининг турар-жойларида муҳокамасини ташкил қилиш, тушган ҳар бир истак ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, умумлаштириш масаласи кўриб чиқилди. Тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш мақсадида ҳуқуқшунослар, олий ўқув юртларининг олимлари, жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳлари тузилди.

Партия фаолларидан тузилган алоҳида гуруҳлар лойиҳа муҳокамасини уюштириш учун вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларига, бошланғич партия ташкилотларига жўнаб кетишди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ХДП ҳаётидан*

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Ҳозирги кунда районимизда ўз сафига 2522 кишини бирлаштирган 91 та бошланғич партия ташкилоти ишлиб боряпти. Шундан 13 таси ҳудудий партия ташкилотларидир. Район партия кенгаши бошланғич ташкилотларнинг меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида, тўй ва маъракаларда ташаббусни, етакчиликни ўз зиммаларига олишларига имкон яратди. уларнинг мустақиллигини таъминлади. Натижада райондаги кўпгина бошланғич ташкилотлар аҳоли турмушини яхшилаш юзасидан фақат қимматли ташаббуслар билан чиқибгина қолмай, уни изчил амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Масалан, Чархин қўрғонидаги Бухорои маҳалласи бошланғич партия ташкилоти «Аҳолига ғамхўрлик — истиқбол мезони» мавзуида фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказиш юзасидан район партия кенгашига таклиф билан чиқди. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватладик. Орадан кўп ўтмай маҳаллада фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтди. Унга район ҳокими, район ташкилотларининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳам қатнашдилар. Район раҳбарлари шу ерда маҳалла аҳолиси томонидан берилган савол ва талабларга жавоб бердилар. Вужудга келган мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ режалар тузиб, тадбирлар белгиланди. Район партия кенгаши очиқ мулоқотда илгари сурилган талабларнинг бажарилишини ўз назоратига олди.

Бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини таъминлашда «Котиблар куни»нинг мунтазам ўтказиб борилаётгани тарбиявий аҳамиятга эга бўляпти. Ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида ўтаётган ана шу кунда бошланғич ташкилот котиблари билан долзарб вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар, республика матбуотида чоп этилаётган партияга оид янгиликлар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш каби муҳим мавзуларда фикр алмашиляпти.

Район партия кенгаши ижроия бюроси кўчма мажлисларини бошланғич партия ташкилотларида ўтказиш тажрибаси ҳам яхши самаралар беряпти. Яқинда ана шундай кўчма ижроия бюро мажлиси Улуғбек пахта тозалаш заводида бўлиб ўтди. Бюрога тайёргарлик жараёнида бошланғич ташкилот ҳисобидаги ҳар бир партия аъзоси ва завод раҳбарияти билан якка тарзда суҳбатлар ўтказилди. Шу куни район партия Кенгаши ижроия бюроси аъзолари завод ишчилари билан мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтираётган жиддий масалалар билан танишдилар, саволларга жавоб бердилар.

Ўша куни завод бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда 8 нафар ишчи ва хизматчи ХДП сафига қабул қилинди. Бу бошланғич партия ташкилотининг меҳнат жамоаси ўртасидаги обрўси кун сайин ошиб бораётганидан далолат беради.

Биз бошланғич партия ташкилотлари билан ишлашнинг яна бир самарали услубидан ҳам фойдаланяпмиз. Жойларда ҳудудий «бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгаши» тузиляпти. Райондаги Чархин қўрғонида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган ана шундай кенгаш вужудга келди. Кенгаш ижроия бюроси қўрғон ҳудудидаги барча бошланғич партия ташкилотларини бирлаштириб, уларга партиявий-ташкилий ишларни олиб боришда ёрдам кўрсатяпти. Намуна қишлоғи ҳудудида ҳам ана шундай кенгаш тузишни режалаштирганмиз.

Хуллас, бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш район партия кенгашининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Қаерда бошланғич ташкилотлар фаолияти тўғри ташкил қилинса, ўша ерда партиянинг обрў-эътиборли ҳамда халқнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлади.

Ҳ. ҚУРБОНОВ,
ХДП Пастдарғом район кенгашининг котиби.

Матниёз ЮСУПОВ

Ўзбекистон маданияти оғир жудоликка учради. Таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги давлат мукофотининг совриндори, профессор Матниёз Юсупов 1992 йил 6 октябрь куни оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

Матниёз Абдалниёз ўғли Юсупов 1925 йил 1 январда Урганч шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Бўлажак композиторнинг ижодий камолида Ҳожихон Болтаев, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов каби буюк санъаткорларнинг таъсири ғоят каттадир.

Матниёз Юсуповнинг меҳнат фаолияти вилоят театрида созандаликдан бошланган. У 1943 йилда Улуғ Ватан урушига кетди ва 1944 йилда 1-гуруҳ ногирони бўлиб қайтди. 1951-55 йилларда Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини, 1960 йилда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясини муваффақиятли тугаллаб, самарали ижод йўлига кирди.

Истеъдодли композитор, ҳассос тадқиқотчи ва мураббий Матниёз Юсупов Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

У ўндан ошиқ мусиқали драма, жумладан «Ғазал фожиаси», «Тун ва нохун», «Муқаддас диёр», «Дил кўзгуси» асарларини яратди. «Хоразм қўшиғи» операси, «Гулсанам» балети, симфоник, вокал-симфоник ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун яратган қатор асарлари, қўшиқлари ҳам кенг танилди. Узоқ йиллик изланиш ва тадқиқотлар натижасида Хоразм мақомлари, куй ва қўшиқларини замонавий нота ёзувида 7 жилдлик китоб шаклида нашр эттирди.

Композитор Матниёз Юсупов узоқ вақт Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио қўмитасида муҳаррир, Урганч мусиқа билим юртининг директори, Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари лавозимларида самарали хизмат қилди. Кўп йиллар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти халқ мусиқаси кафедраси профессори сифатида ёш авлодга таълим бериб келди.

Матниёз Юсуповнинг Ўзбекистон мусиқа маданияти соҳасидаги хизматлари юксак ва муносиб тақдирланиб, кўплаб орден ва медаллар билан мукофотланган.

Улкан санъаткор, таниқли жамоат арбоби Матниёз Юсуповнинг ёрқин сиймоси ва ижоди унинг кўп сонли мухлислари, мусиқасевар халқимиз қалбида абадий яшайди.

И. Каримов, Ш. Йўлдошев, А. Муталов, И. Жўрабеков, Р. Ражабов, Э. Самандаров, М. Умурзоқов, М. Жўманиёзов, А. Фозилбеков, З. Ҳакимов, А. Жабборов, У. Мусаев, С. Ҳайитбоев

ОТАНГ БОЗОР, ОНАНГ БОЗОР

● Худди шундай. Халқимиз азалдан ана шу иқтисодий сиёсат билан яшаган. Шу боис Самарқандда эски бозорларни тиклаш ва янгиларини қуришга эътибор кучаймоқда. Шу йилнинг ўзида тунги бозор, Чархин, Даҳбед бозорлари ишга туширилди.

Яқинда «Критий ринок» ҳам қайта таъмирланиб «Мармар бозор» номи билан самарқандликларга тақдим этилди. Бу ерда нафақат савдо қилиш, балки деҳқонларнинг маҳсулотларни сақлаши, дам олиши учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бозор остида 200 тонналик сиғимли омбор мавжуд. Айниқса, ташқи ва ички деворларга берилган миллий нақшлар савдо масканига ўзгача чирой бахш этган.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЧ ҚИТЪА ЮЛДУЗЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатиага сўз берилади. Бу анжуман жаҳон маърифатининг ўчоқларидан бири бўлмиш Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг ўтказилаётган дастлабки гурунгдир, деди у. Аминмизки, фестивалда бундан олдин шаклланган энг яхши анъаналар давом эттирилади, янада бойитилади, Киносанъати ва саноатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшилади. Шу кунларда байналмилал Тошкент шаҳрида Раж Капур фильмлари намойиш этилишидан воқиф бўлдим. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳинд киносанъатининг сўнмас юлдузи Тошкент фестивалларининг доимий иштирокчиси бўлиб, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, меҳр-оқибатни кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшган эди.

Россиялик машҳур киноактёр Владимир Меньшов ҳозир бутунлай бошқа даврда яшаётганимизни, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби борлигини айтиб, иқтисодий танглик, турмуш қийинчиликларига қарамай, бундай халқаро тадбир ўзбек халқининг, республика ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтказилаётганини таъкидлаб, анжуман бизнинг серташвиш замонда одамларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига, улар ўртасида аҳиллик қарор топишига ёрдам беради, деди.

Кинофестиваль доирасида собиқ СССР таркибига кирган барча республикалар кинокомпаниялари ва киноуюшмалари раҳбарларининг учрашуви бўлмоқда, деб давом этди Меньшов. Бу учрашувда бир-биримизни қай даражада соғинганимизни, барча жабҳаларда хомталаш кетаётганига қарамай, дилларни, юракларни парчалаш мумкин эмаслигини чуқур ҳис қилдик. Тошкент ўзининг одамлар бошини қовуштирадиган, дўстлаштирадиган байналмилал шаҳар эканини яна бир марта исботлади.

Осиё ва Африка халқлари ҳамкорлиги ташкилотининг президенти доктор Мурод Ғолиб микрофон олдига келади. Истиқлолни қўлга киритган ўлка жуда оз фурсатда халқаро миқёсда улкан ютуқларга эришди, деб таъкидлади у. Ўзбекистон бугунги кунда уч қитъа кинонамояндаларини тинчлик, ҳотиржамлик, тотувликни шиор қилиб олган анжуманга чорлаб, кўп савобли иш қилди. Ўзбекистон қадимдан илм-фан, маърифат, маданият маркази ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай. Жаҳоннинг турли минтақаларида уруш-жанжал бўлаётган, қон тўкилаётган бир вақтда сизнинг юртингизда тинчлик, ҳотиржамлик, одамлар бунёдкорлик иши билан банд, шу туфайли мана шундай анжуманни ўтказиш насиб этиб турипти. Бу республика ҳукумати тўғри сиёсат юритаётганидан далолатдир.

Раж Капурнинг ўғли Рандхирни зал аҳли қарсаклар билан кутиб олди. Унинг туриш-турмуши, юришлари, кулишлари отасини эслатади. Ассалому алайкум, дея сўз бошлади Рандхир, мен сизга Ҳиндистондаги биродарларим, Раж Капур оиласи номидан қизғин салом келтирдим. Сизнинг мамлакатингиз инсоният учун, дунё учун кино ва унинг аҳамияти нимадан иборат эканини дил-дилдан ҳис этган мамлакатдир. Севги ва садоқатнинг, дўстликнинг умуман тили бўлмайди, у чегара билмайди. Хоҳ ҳинд тилида бўлсин, хоҳ ўзбек тилида бўлсин, бир хил жаранглайди, муҳаббат муҳаббатда! Жаноб Раж Капур фильмлари туфайли мен, оиламизнинг бошқа аъзолари, ҳамюртларим сизлар билан дийдор кўришиб турибмиз. Биз бу анжуманда қайси мамлакатдан келганимизга қарамай, бир-биримизга яқинлашамиз, бир-биримизни тушунишга ҳаракат қиламиз, бир-биримиз билан биродарлашамиз.

Фестиваль бош ҳомийси маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг вице-президенти А. Сергеев сўз олади. Мураккаб бир даврда ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий барқарорлик сақланиб турган дўстлик ва тинчлик шаҳри Тошкентда бундай улкан анжуманнинг ўтказилиши жуда қувончли ҳолдир, деди у. Академиямиз низомининг биринчи бандида шундай сўзлар ёзиб қўйилган: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган, шунингдек бошқа мамлакатлар халқларининг маънавий-маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва ривожлантириш, шу асосда жамият барча аъзоларининг маънавий дунёсини бойитиш, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш ташкилот олдида турган асосий вазифаларнинг биридир. Шунга амал қилган ҳолда фестивалга ҳомийлик қилишни ўз зиммамизга олдик. Айни вақтда сарф-харажатлар академиямизнинг Ўзбекистондаги бўлими ҳамда унинг ходимлари ишлаб топган маблағлар ҳисобидан қопланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Раислик қилувчи фестиваль ташкилий комитети номига телеграммалар келаётганини, Чингиз Айтматовдан табрикнома олинганини маълум қилди.

Мезбонлар номидан фестиваль қатнашчиларини киноактриса Дилором Қамбарова самимий қутлади.

Бизнинг минтақада қуёш қандай ҳароратли бўлса, ой ҳам шундай шуъладор, юлдузлар ҳам шундай сержилодир, деди йиғилиш сўнгида Э. Самандаров. Лекин бугун, бу оқшом Ўзбекистонда бўлакча юлдузлар шуъла сочмоқда. Бу юлдузлар жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган санъаткорлардир. Уларнинг нуридан қалбимиз мунаввар бўлмоқда.

Юлдузлар порлайверсин, одамларга қувонч улашаверсин, турли қитъалар, мамлакатларнинг халқлари бир-бирига яқин, диллар бир-бирига ошно, эллар бир-бирига ҳамкор бўлаверсин.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фазилбеков қатнашдилар.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбирлари.

КИНО БОЗОРИ ИШЛАЙ БОШЛАДИ

● Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивали доирасида очилган кино бозорига ҳозиргача МДҲ республикалари, Ҳиндистон, прокат фирмалари ва кино маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг 70 га яқин вакили келди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг студияларидан келган вакиллар, айниқса кўп. Уч қитъадаги бир қанча давлатлар машҳур кино фирмаларининг вакиллари иштирок этиши кутилмоқда. Ҳозирча 30 тага яқин лента бозорга тақдим этилди. Кинофестиваль охиригача уларнинг сони икки баравардан ошади, деб таҳмин қилинмоқда.

Кино бозорига тақдим этилган асарлар кино уйининг учта зали ва 29 та хонасида кўрсатилмоқда.

СОВРИНЛАР ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

● Республика Кино уйида оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашув бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг, Давлат кино компанияси, Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг вакиллари, Ҳинд кинематографчилари ва бошқа меҳмонлар қатнашдилар.

Фестивалда қатнашиш учун 65 та мамлакат кинематографиячиларига таклифнома юборилди. 40 га яқин давлат кино анжуманда қатнашиш истагини билдирди, улар орасида Африка, Лотин Америкаси, Ғарбий Европа мамлакатлари, Осиё мамлакатлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи кино арбоблари бор. Фестивалнинг жўғрофиясини кенгайтириб, келгусида уни жаҳон анжуманига айлантириш ва унда қатнашиш учун имкони борича кўпроқ мамлакатларни таклиф этиш режалаштирилмоқда.

Фестивалда қатнашиш учун кўпгина жамоат ташкилотлари ҳам қўшилиб, унинг иштирокчиларини ўз совринлари билан мукофотлашга қарор қилдилар. Жумладан Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан барпо этилган экология ва инсон соғлиғи жамғармаси — «ЭКОСАН» шу муаммоларга бағишланган фильм учун махсус соврин таъсис қилди. Юксак маънавийлик ва ахлоқиликни таранним этадиган энг яхши картина учун ҳам соврин бериш кўзда тутилган.

(ЎзА).

ПАХТАМИЗ 1 МИЛЛИОН ТОННАГА ЕТДИ

Жорий йилда ниҳоятда оғир табиий шароитларда ҳосил етиштирилди. Бу об-ҳавонинг паст келиши, ўтган йилгига қараганда ғўза парвариши даврида самарали иссиқликнинг 200 — 260 даражада кам бўлганлиги билан боғлиқ. Бунинг устига пахтачиликка ажратилган майдонларнинг қарийб ярмида чигитлар қайта экилди. Шунинг оқибатида бу йил пахта 20 кун кечикиб етилди.

Республика пахтакорлари кейинги ўн йил мобайнида дастлабки миллион тонна пахтани бунчалик кечикиб тайёрламаган эдилар. Пахтачиликда энг ноқулай келган 1987 йили ҳам биринчи миллион тонна пахта 4 октябрда тайёрлаб бўлинган эди. Илк миллион тонна пахта тайёрлаш ўтган йилгига нисбатан 15 кун кечикиб адо этилди. Ўтган йили 10 октябрда 3 миллион тонна пахта топшириб бўлинганди.

Бу йил 1 миллион тонна пахтани йиғиштириб олишга 20 кун сарфлашга тўғри келди. Бунга Фарғона вилояти хўжаликлари бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳисса қўшдилар. Фарғоналиклар республикада пахта тайёрлаш суръатини мавсум бошидан буён бошқариб бормоқдалар. Вилоят пахтакорлари тайёрлов пунктларига умумий пахтанинг бешдан бир қисмини топширишга муваффақ бўлдилар. Бухоро, Андижон ва Сурхондарё вилоятларининг деҳқонлари республика хирмонига 120—140 минг тоннадан «оқ олтин» топшириб қўйдилар. Олтинкўл, Бувайда, Олот, Уйчи, Данғара, Тўрақўрғон, Шаҳрихон, Шофиркон, Ғузор, Баҳористон Ангор, Термиз районлари хўжаликлари республика хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Бу районлар хўжаликлари йиллик режанинг 50—70 фоизи ҳажмида пахта тайёрладилар.

Йиғим-терим ишларини жадаллаштиришда республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг бир килограмм сифатли пахта териб топширилганлик учун камида икки сўм тўлаш ва тўрт ҳамда икки қаторли пахта териш машиналари билан 1 тонна хом ашё йиғиштириб олганлик учун 80—100 сўм ҳақ тўлаш ҳақидаги қарорлари, шунингдек, тайёрланган пахтанинг 15 фоизи ва режадан ташқари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси хўжаликларда қолдирилиши, шу улар хўжаликларнинг ўз ҳоҳишларига кўра сотилиши ҳақидаги қарори муҳим роль ўйнамоқда.

СУРАТДА: Шофиркон районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигининг пешқадам теримчиси Зулфияхон Тўхтасинова. У ҳар куни хўжалик хирмонига 150—160 килограммдан пахта териб топширмоқда.

К. КАРИМОВ олган сурат.

«Оқ олтин» тайёрлаш йиллик режаларини Ғузор районидаги Улуғбек номли ва Ленин номли давлат хўжаликлари, Олот районидаги «Олот» ва Косон районидаги 38-давлат хўжаликлари биринчи бўлиб адо этдилар. Дастлабки миллион тонна пахтанинг 80 фоизи, жумладан уруғлик пахтанинг ҳаммаси қўлда териб олинди. Йиллик режа бажарилганлиги ҳақида бугунги кунда тўрт хўжалик ва 297 бригада ғалаба рапорти берди.

Қўл теримида Бухоро, Фарғона ва Наманган вилоятларининг деҳқонлари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу вилоятларнинг хўжаликларида пахта теримида иштирок этаётган кишиларнинг ҳар бири ўртача 70—90 килограммдан пахта топширмоқдалар. Машина терими илғорлари сафи ҳам кенгайиб боряпти. Машинада пахта теришда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг механизаторлари олдинда бормоқдалар. Бу вилоятларнинг хўжаликлари биринчилардан бўлиб пахта далаларига 1500—1700 тадан терим машиналарини киритдилар.

Республика далаларида пахта тайёрлаш суръати кун сайин ортиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ:

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

● Ўзбекистон ва Беларусь касаба уюшмалари Федерациялари 7 октябрь куни Тошкентда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ҳужжатда икки мустақил республика касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар манфаатларини, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги кучғайратларини бирлаштириш кўзда тутилади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида бевосита хўжалик алоқаларини ўзаро манфаатли асосда ривожлантиришга кўмаклашиш ва мавжуд алоқаларни сақлаб қолиб авж олдиришга, маҳсулот етказиб бериш соҳасидаги шартномавий мажбуриятларга риоя этишга жуда катта эътибор берилади. Қўшма хўжалик лойиҳалари учун қарз бериш ва уларни пул билан таъминлаш, меҳмонхона, саёҳатчилик мажмуаларини, спорт иншоотларини барпо этиш ва ишлатиш соҳасидаги касаба уюшмаларнаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, маданият, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш ҳам кўзда тутилади. Шартнома беш йил муддатга тузилди, башарти томонлардан бири уни тўхтатиш истагини билдирмаса, шартноманинг амал қилиши яна шунча муддатга узаяверади.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов билан Беларусь касаба уюшмалари федерациясининг раиси В. И. Гончарик имзоладилар.

Беларусь делегациясининг аъзолари Тошкентнинг саноат корхоналарини бориб кўришни, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг хўжаликларида бўлишни, касаба уюшмалари фаоллари билан учрашишни режалаштирганлар.

(ЎзА).

СИНДОРОБОД: ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

СИРДАРЁ РАЙОНИДАГИ СИНДОРОБОД ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАМОА МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМДА ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Катта Ўзбек трактининг ёнгинасида жойлашган бу ажойиб хиёбонни жамоа меҳнаткашлари Амир Синдоров шийпони, деб атайдилар. Сирдарё районидаги Синдоробод, яъни собиқ «Ленинград» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ўзларининг энг яхши тадбирлари, тўй-томошаларини шу ерда ўтказадилар. Бу ўзига хос анъанага айланиб қолган.

Кўпчиликнинг қалбига яқин бўлиб қолган ана шу дала шийпонида жамоа меҳнаткашларининг «Ўзбекистон овози» ижодий ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувга «Ўзбекистон овози» бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаев бошчилигида— Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи муовини, шоир Ҳамроқул Ризо, таниқли шоир Муҳаммад Юсуф, кекса журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Сулаймоновлар келишди.

«Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимларининг жамоа меҳнаткашлари билан учрашувларига Сирдарё вилояти ҳокими Ботир Маҳмудов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Собир Усмонов, вилоят ҳокимининг муовини С. А. Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорат қўмитаси вилоят бошқармасининг бошлиғи Н. А. Акбаров ўртоқлар ташриф буюрдилар. Бу учрашувда шунингдек вилоятдаги барча шаҳар ва район ҳокимларининг муовинлари, ЎХДП район кенгашларининг котиблари, Сирдарё районидаги барча қишлоқ кенгашларининг раислари, барча хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, қатор вилоят ташкилотлари ҳамда район ташкилотларининг раҳбарлари, жамоатчи обуна тарқатувчилар иштирок этдилар.

Сирдарё районининг ҳокими Тўйчи Мирзаев учрашувни очиб, дастлабки сўзни «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳарририга беради.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ— БОШ ДАСТУР

«Ўзбекистон овози»нинг бош муҳаррири Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ сўзидан

— Сирдарё вилоятидаги газетхонларимизнинг бизларга бўлган меҳр-садоқатларини юксак даражада қадрлаймиз. Қўриқ воҳанинг энг донгдор хўжаликларидан бири бўлган Синдорободда ўтаётган бугунги учрашувимиз ҳам шундан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов жумҳуриятимизга катта меҳнатлари синган оқсоқолларимизни қадрлаш, уларнинг бой тажрибаларидан халқимиз манфаатлари йўлида фойдаланишга катта эътибор билан қарамоқдалар.

Сирдарё — бу биринчи навбатда жасорат майдонидир. Ана шу майдоннинг ҳақиқий ботирлари оз эмас. Булар халқимиз қалбидан чуқур жой олган марҳумлар Ғанишер Юнусов, Турсунбой Латипов, Собиржон Сиддиқов, Абдулҳай Тоиров, Қодирқул Султонов, Тилов Мамановлардир.

Сирдарё — бу айни пайтда ажойиб кишиларимиз Қўзибоқар Синдоров, Муҳиддин Каримов, Абдулҳай Абдушоҳидов, Назира Йўлдошева, Эгамберди Ботиров, Қинабек Укебоев, Тўхтахон Қирғизбоева, Мирзамиддин Исоқулов, Мухтор Холматов, Абдусамат Саидмуродов, Камол Халиловлар юртидир. Қўзибоқар ака Синдоров ана шундай ўғлонларни камолга етказган заминнинг асил сардори, оқсоқолидир.

Қўзибоқар ака 47 йилдан бери шу хўжаликка раҳбарлик қилиб келмоқда. Ана шу давр мобайнида меҳнат жамоасининг обрўйи бутун республикага ёйилди. У кишни кўплаб шогирдлар етиштириб чиқардилар. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар, улкан қурилишлар, «Қуёш» посёлкаси, иссиқхона ва бошқа замонавий қурилишлар тажрибасини ўрганиш мақсадида бу ерга бутун жаҳондан кишилар келиб кўриб кетаётганликларини ҳам яхши биламиз. Сирдарёликлар яратган бой тажриба, қимматли меросни ўрганиш, ардоқлаш, умумхалқ мулкига айлантиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон меҳнат аҳли Мирзачўл қўриғини ўзлаштиришда катта матонат кўрсатган бўлса, ўз навбатида Сирдарё замини кадрлар тарбиялаш ўчоғи, илғор тажрибалар мактаби сифатида республика тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Биз қўриқ воҳада камол топиб, тараққиётимизга катта ҳисса қўшиб келаётган кўплаб ажойиб инсонларни яхши биламиз. Биз бу воҳани алоҳида қадрлаймиз, унинг барча ташвишларига, муаммоларига ўзимизни шерик деб биламиз. Мирзачўл дарди — ҳаммамизнинг дардимиз, унинг ютуқлари эса ҳаммамизни қувонтиради. Бу ерга келиб, сизлар билан очиқ мулоқот қилаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Биз — муштарий ўзимизнинг дўстимиз деб биламиз. Дўст ачитиб гапиради, дейди халқимиз. Сизларнинг очиқ ва аччиқ фикр-мулоҳазаларингизни жон қулоғимиз билан эшитишга тайёрмиз.

Сизларга маълумки, «Совет Ўзбекистони», яъни ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси бундан бир неча йиллар муқаддам деярли 900 минг нусхада чоп этилар эди. Сўнгги йилларда рўй бераётган бозор иқтисодига ўтиш даврининг жиддий қийинчиликлари, иқтисодий тангликлар жумҳуриятимизнинг бош рўзномаси бўлмиш «Ўзбекистон овози»ни ҳам четлаб ўтмади. Натижада барча вақтли нашрлар қатори биз ҳам ҳозир оғир даврларни бошдан кечирмоқдамиз. Лекин шукурлар бўлсинким, энг аввало Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда унинг раҳбарлари, қолаверса, бутун жамоатчилик оғир дамларда биз журналистларни ёлғиз ташлаб қўйганлари йўқ. Улар бизларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдам бермоқдалар. Ўз навбатида ижодий жамоамиз ҳозирги оғир давр қийинчиликларини енгиб ўтиш, газетамизнинг аввалги мавқеини тиклаб, жумҳуриятимизнинг энг йирик, оммавий газетасига айлантириш йўлида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу борада бизларнинг режаларимиз катта. Ўйлаймизки, бизларга ишонган ўқувчилар адашмайдилар, газетамиз нигоҳида ўзларига энг яқин маслакдош, ҳамфикр, ҳамроҳни кўрадилар деган умиддамиз. Шунинг учун сизларни ва сизлар орқали вилоятдаги кўп минг кишилик барча газетхонларимизни мулоқотга чорлаймиз, ҳамкорликка даъват этамиз.

Учрашувдан бир лаҳза.

ЗИЁ ТАРАТИШ— ЕНГИЛ ИШ ЭМАС

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кекса журналист Исмоил СУЛАЙМОНОВ сўзидан

— Сўнгги ойларда «Ўзбекистон овози» саҳифаларида рўй бераётган жиддий ўзгаришлардан хабарингиз бўлса керак. Халқимнинг юрагида нима гаплари бор, уни қандай дардлар ташвишга солмоқда — газета ўзининг бош мақсадини ана шундай деб билмоқда. Газета редакциясига келаётган кўплаб хатлар ана шу йўлнинг тўғри танлангани, бу ўзгаришлар одамларга маъқул бўлаётганидан далолат бермоқда. Сўнгги бир-икки ойлик давр мобайнида газетамиз ихлосмандларининг кескин ошгани, чоп этилаётган нусхаларнинг ошгани ҳам шундан далолатдир.

Одамларга зиё тарқатиш осон иш эмас. Обуна ҳам ана шу ишнинг энг масъулиятлисидир. Одамлар орасида газеталарнинг нархлари ошгани туфайли обуна ўтказиш қийинлашиб кетди, деган гапларни гапириш одат бўлиб қолди. Бир қарашда ҳақиқатан ҳам 300—400 сўм катта пулга ўхшаб кўринади. Лекин бундоқ ўйлаб қарасанг, у — уч кило гўшт, ёки икки шиша арақнинг пулику? Наҳотки шу нарсанинг юзига бориб одамлар йил давомида газета ўқиб боришдан ўзларини маҳрум этаётган бўлсалар? Агар шундай одамлар бўлса, уларга тушунтиришимиз, ёрдам беришимиз керак. Газета бу — азалдан зиё, нур дегани. Қайсики хонадонга газета кириб бормаса — у хонадон нурдан, зиёдан маҳрум қолибди, деб билмоғимиз керак. Токи барча хонадонларимизда зиё чироқлари ҳамиша порлаб турсин!

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ТЎЛАҚОНЛИ ЁРИТИЛСА...

ЎХДП Сирдарё район кенгашининг биринчи котиби Бобо ЗУҲУРОВ сўзидан

— Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида «Ўзбекистон овози» ижодий жамоасининг олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқдир. «Мустақиллик дорилфунуни» рукуни остида мунтазам бериб борилган мақолалар, бошқа ажойиб чиқишлар кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг босиб чиқарилиши ҳам айни муддао бўлди. Чунки мустақиллик сиёсати, унинг назарияси ва амалиёти яратилаётган ҳозирги даврда бу қимматли қўлланма ҳаммамиз учун ғоят зарур эди. Биз ҳали бу асар китоб ҳолида босилиб улгурмасданоқ газета орқали у билан батафсил танишиб чиқиш имконига эга бўлдик.

Айниқса газета саҳифаларида биринчи бўлиб «Шарофнома»нинг ташкил этилиши кўпчиликнинг меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эътиборига сабаб бўлди. Одамларнинг шундан сўнг «Ўзбекистон овози» рўзномасига бўлган меҳри янада ортди, деб ўйлайман.

Биз илгари учрашувларда партия ҳаётини газетанинг биринчи саҳифасига ҳам олиб чиқилса, деган истакларни билдирган эдик. Сўнгги ойларда ана шу истагимизнинг ҳам амалга ошаётганидан миннатдормиз. «Ўзбекистон овози» — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашри, бу билан фахрланамиз, айни пайтда ўз газетамиз ижодий ходимлари олдига талаблар қўйишга ҳақлимиз.

Бизнинг назаримизда бошланғич ташкилотлар ҳаётини чуқурроқ ёритиш зарур. Ҳозирча партия ҳаётининг бошқа бўғинлари, турли қирралари ҳақида мунтазам, яхши мақолалар бериб борилмоқда. Лекин бошланғич ташкилотлар ҳаётини акс эттирувчи чиқишлар кам. Бу соҳага бўлган эътиборни ўзгартириш зарур.

Айни кунларда биз «Ўзбекистон овози» газетасига обуна ишларини қизғин авж олдириб юборганмиз. Обунани тез, юксак савияда ўтказган ҳамда кўп обуна тўплаган бошланғич ташкилотлар учун пул мукофотлари белгилаганмиз. Жумладан ҳар бири 500 сўмдан иккита биринчи, ҳар бири 300 сўмдан иккита иккинчи ва ҳар бири 200 сўмдан иккита учинчи мукофот таъсис этилган. Райондаги бошланғич ташкилотларда обуна ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу йил биз районимиз бўйича обуначилар сонини камида 3 мингдан ошириш ниятидамиз.

СИНДОРОБОДДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИНИНГ СОНИ МИНГДАН ОРТАДИ

Синдоробод жамоа хўжалиги раиси, Меҳнат қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Қўзибоқар СИНДОРОВ сўзидан

— Отахон газетамиз ижодий ходимларининг мана шундай ажойиб учрашуви бизнинг жамоамизда ўтаётганидан хурсандмиз. Шахсан мен эсимни танибманки, отахон газетамизни қизиқиш билан ўқиб келаман. Қисқаси, унинг бир умрлик мухлисиман.

Газета менинг назаримда худди осмонда чарақлаган чақмоққа ўхшайди, у ўз нури билан ҳамма жойларни ёритиб юборади. Газетага жуда кўп нарса боғлиқ. Мана, бозор иқтисодиётига ўтяпмиз. Шу даврда кўпгина камчиликларимиз аён бўлиб қолмоқда. Айтайлик, қишлоғимизда бир ип йигирув корхонаси қурмоқчи бўлсак, уларда ишлайдиган ва бошқара оладиган кадрлар борми — йўқ. Бу каби муаммолар оз эмас. Қишлоқларда ишчи кучлари кўпу — лекин улардан фойдаланадиган заводлар, фабрикалар йўқ. Ана шундай бир масъулиятли дамларда матбуотимизнинг роли янада ошмоғи турган гап.

Баъзан шундай ҳолни кузатиб қоламан. Бир жойга одамлар тўпланиб қолишса, минг дона ғишт қанча, уни теришга қанча кетади, пахса деворни тиклаш мунча туради — суҳбат мавзуи шундан нари ўтмайди. Бу ҳам керакдир, лекин энг ёмони ана шу доирада бир умр ўралашиб қолишда. Одамларнинг сиёсий онгини ўстирмасдан, ёки иш маҳорати, малакасини оширмай туриб бозор иқтисодиёти шароитида бирор нарсага эришиб бўлмайди. Бу ўринда эса юқорида айтиб ўтганимиздай матбуотнинг роли ортади. Тўғриси, юқорида мен келтирган мисол оддий одамлар эмас, баъзи хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ҳатто айрим район ташкилотларида ишлайдиган одамларга ҳам тааллуқлидир. Газета ўқимасак, ижтимоий ҳаётга фаол аралашмасак, сиёсий онгимиз қачон ўсади? Капиталистик дунёда рўй бераётган ўзгаришларга бир назар ташланг: ўз-ўзингиздан кўп хулосалар чиқариб олаверасиз.

Хўжалигимизда тажриба тариқасида «Қуёш» посёлкаси барпо этилди. 30 гектарлик иссиқхонада турли нознеъматлар етиштирилмоқда. Бошқа ибратли ишларимиз йўқ эмас. Буларни тарғиб қилишда «Ўзбекистон овози» газетасининг меҳнатлари катта ва биз буни юксак кадрлаймиз. Хўжалигимизда 800 хонадон бор, яна 200 нафар ўқитувчи ва бошқа қишлоқ зиёлилари яшайдилар. Шуларни эътиборга олиб, биз 1000 дан ортиқ хонадонга «Ўзбекистон овози» газетасини етказишга аҳд қилганмиз.

Сизлардан эса илтимосимиз шуки, дадил мақолаларни ёзаверинглар. Юқоридаги идораларни, министрликларни, уларнинг раҳбарларини турткилаб, қитиқлаб турингларки. Токи улар бизларнинг ташвишларимиз, ҳол-аҳволимиздан йироқлашиб кетмасинлар. Йил—йилга ўхшамас экан. Бу йилги об-ҳавонинг паст келишини қаранг. Қатор хўжаликларимиз қарзга ботишган. Чунки бу йилги шароитларда пахта ҳосилини етиштириш роса қийин бўлди. Лекин шунга қарамай ҳозирнинг ўзидаёқ пахта қабул қилувчи корхоналар, заводлар ва бошқа идоралар деҳқон ҳисобига бойиб қолиш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Ҳали биринчи терим қаймоғини бузмасдан олиб борган ҳосилимизни иккинчи нав, деб баҳоламоқдалар ва ҳоказо. Хуллас, бу каби муаммолар оз эмас. Газета ходимлари, уларнинг жонкуяр қалам аҳли доимо деҳқоннинг тарафини олиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлади, деб умид қиламиз. Қулоғингиз доимо деҳқон қалбида бўлсин, сизларга доимо зафарлар ёр бўлсин. Бизлар эса берган ваъдамизнинг устидан чиқиб, «Ўзбекистон овози»ни ҳар бир хонадонга етказишга ҳаракат қиламиз.

«Ўзбекистон овози» газетининг бош муҳаррири Шароф Убайдуллаев, [чапда] вилоят ҳокими Ботир Маҳмудов.

АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Собиржон УСМОНОВ сўзидан

— Халқимиз «Ўзбекистон овози» газетасига доимо ўзгача меҳр ва ишонч билан қарайди. Бу бежиз эмас албатта. Бугун биз мана шу учрашувда ана шу юксак меҳр намунасининг бир гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, кейинги пайтларда севикли газетамиз яна бизларга яқин бўлиб қолди, ҳаётимиздаги катта муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқмоқда, бир сўз билан айтганда одамларнинг юрагидаги гапларни айтмоқда. Буни қизғин табриклаш керак, албатта.

Газета саҳифаларида Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги илк одимлари, ташвиш ва муаммолари реал, тўғри ва адолатли, айни пайтда қизиқарли ёритилмоқда. Бу ҳам ўзига хос камолот белгисидир. Юқоридаги сингари ажойиб сифатлари учун ҳам биз газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз. Чунки «Ўзбекистон овози» фақат ахборот берувчи газета эмас, балки қалбларимизга яқин бўлиб қолган суҳбатдошимиз, таянчимиздир.

Энди баъзи таклифларни ҳам билдиришни хоҳлар эдим. Ўзимизга хос бўлган миллий урф-одатларимизни дингга буришиб, нима қилиб бўлса ҳам қоралашга камситишга уриниш бор эди. Энди ликда ана шу қадрли удумларимиз, урф-одатларимиз мустақиллик шарофати туфайли аста-секин тикланмоқда, ҳаётимиздан ўз ўрнини топмоқда. «Ўзбекистон овози» ана шу мавзулардаги чиқишларни кўпайтирса айни муддао бўлар эди. Чунки, биринчидан бу газетанинг давраси кенг, иккинчидан мақолалар ўзига хос дадилликка эга. Халқимиз меҳр қўйган газета бу ўринда ҳам унга садоқат билан хизмат қилади, халқ анъаналарини тиклашда катта ишларни амалга ошира олади, деган умиддамиз. Биз ўз навбатида бу йил вилоятда обуна ишларини муваффақиятли якунлаш учун барча чораларни ишга соламиз.

ОБУНАЧИЛАР СОНИ 20 МИНГ КИШИГА ЕТАДИ

Сирдарё вилоятининг ҳокими Ботир Маҳмудович МАҲМУДОВ сўзидан

— Бугунги учрашувимиз ажойиб руҳда, ажойиб дамларда ўтмоқда. Мана, республикамиз мустақиллиги ўзининг иккинчи йилига қадам қўйди. Ўтган бир йил — Мустақиллик даври Ўзбекистон ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлиги остида бутун жаҳонга танилди. Энди биз Ислом Абдуғаниевич айтганларидек, мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз керак. Бу улкан вазифани амалга оширишда вақтли матбуот, газеталарнинг ролини яхши сезиб турибмиз.

Бугунги «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимлари билан бўлаётган учрашувдан ғоят хурсандмиз. Бу ерда айтилган фикр-мулоҳазаларнинг ўзимизга тегишли қисмини олиб, бу фикрларнинг бирортасини ҳам эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Ҳозирги кўтаринки, тезкор даврда деярли ҳар бир хонадон газетага эга бўлиши керак. Севикли газетамизнинг нусхаси энг кўп пайтларда вилоятимиз бўйича 20 минг атрофида «Совет Ўзбекистони», яъни ҳозирги «Ўзбекистон овози»нинг обуначиси бўлар эди. Шу йил биз яна газетанинг садоқатли дўстларини топамиз ва обуначилар сонини 20 минг кишига етказишга ҳаракат қиламиз.

Бу ерда сўзга чиққан Синдоробод жамоа хўжалиги раиси Қўзибоқар ака Синдоров ажойиб ташаббусни ўртага қўйдилар. У кишининг хўжаликдаги ҳар бир хонадонни «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилишга эришиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу каби хўжаликлар, меҳнат жамоалари вилоятимизда кўплаб топилади.

«Ўзбекистон овози»ни ҳақиқатан ҳам ҳаммамиз севиб ўқиймиз. Кейинги 3—4 ой ичида бу қизиқишимиз янада ортди. Чунки бу ерда мендан илгари гапиришган ўртоқлар таъкидлаб ўтишганидай, газета ҳаётий муаммоларни дадиллик билан кўтармоқда, одамлар дардини жон қулоғи билан эшитмоқда, уларга малҳам бўлмоқда. Газета ходимларининг бу борадаги ишларига янгиданянги омадлар тилаймиз.

Юқоридагилар билан бир қаторда ўрни келганда баъзи истакларимизни ҳам билдириб ўтмоқчимиз: Сиёсий мустақиллик — иқтисодий мустақилликсиз амалга ошмайди, албатта. Жумҳуриятимиз, шу жумладан, вилоятимиз иқтисодини ривожлантириш йўлида кўп имкониятларимиз бор, гап уларни ишга сола билишда. Биз ана шу йўлда кўп ишларни амалга ошираётирмиз. Одамлар газеталар орқали улардан хабардор бўлишлари керак.

Илгари одамларни, сен ишлайвер, ташвиш қилма, давлат сени боқиб олади, деган руҳда тарбиялар эдик. Кўпчилик шунга ўрганиб қолганди. Бу — изланмаслик, боқимандалик иллатига мубтало қилади. Энди бизларни давлат боқади, деган тушунчадан одамларни халос этишимиз, ҳаммани мустақилликка ўргатишимиз зарур. Бу борада албатта матбуотнинг тутаётган ўрни ва роли катта. Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон овози» саҳифаларида чуқур таҳлилга эга бўлган, айни пайтда қизиқиш билан ўқиладиган иқтисодий мавзудаги мақолаларнинг кўпроқ босилишини истар эдик.

Бундай мавзулар эса жуда кўп. Биргина механизаторнинг ҳосилни тўкмасдан, тоза теришининг ўзида қанча муаммолар бор. Ёки бошқа бир масала. Бугун эрталаб биз Туркиядан келган мутахассислар билан учрашдик. Улар ҳеч қандай ортиқча чиқимсиз Гулистон ёғ-экстракция заводи ускуналарини созлаш ҳисобига бир ойда 1,5 миллион сўмлик фойда кўрадиган йўлини топиб беришмоқчи. Ажойиб таклиф, биз буни жон-дилимиз билан қабул қилдик ва ҳали қанча бу каби резервларимиз борлигини ўйладик.

Шу йўл билан ер унумдорлигини ошириш, ҳосилдорликни юксалтиришимиз мумкин. Вилоятимизда экин экиладиган 250 минг гектар ер бўлса, шундан 150 минг гектари шўрланган, 30—40 минг гектари эса ўта шўрланган майдонлардир. Бу муаммоларни ҳал этиш учун, яъни ўша майдонларимизнинг шўрини кетказиш учун Жанубий Мирзачўл каналини қайта қуриш, яъни реконструкция қилишимиз лозим. Бу мирзачўлликларнинг асрий орзуси. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрдами, доимий эътибори туфайли бу муаммо ҳам ечимини топаётир. Мана, 2—3 йилдирки, бу йўлда бир қатор амалий ишлар қилинди.

Вилоятимизда амалга оширилаётган яна бир улкан ишга сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Жанубий Мирзачўл канали сувини Ховос районининг юқори ҳудудида жойлашган Баландчақир қишлоғи ерларига олиб чиқиш ҳам шу ерда яшаётган маҳаллий халқнинг кўп йиллик истаклари ҳоҳишларини инобатга олиб бажарилаётган вазифадир. Бу вазифани амалга ошириш асли Шароф Рашидовнинг ҳам орзуйи эди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга ҳамда Исмоил Ҳакимович Жўрабековга яна бир бор раҳматлар айтишимиз керак. Чунки уларнинг саъй-ҳаракатлари, амалий ёрдамлари туфайли бизларнинг ана шу кўп йиллик орзуйимиз ҳам рўёбга чиқаётир. Ҳозир тўрт босқичда оқар сувни Баландчақир қирларига олиб чиқиш йўлидаги ишлар қизғин бошлаб юборилган. Режалар тўлиқ амалга ошгач, келажакда бу ерларда нафақат янги хўжалик, балки бутун бир янги район ташкил этиш мумкин бўлади. Кенг кўламда амалга оширилаётган ана шу ишлар тўғрисида ҳам газета саҳифаларида қизиқарли мақолалар ўқишни истар эдик.

Учрашувдан бир лаҳза.

Бу каби иқтисодий муаммолар оз эмас. Вилоятимизда кичик-кичик саноат корхоналари барпо этиш йўлида катта ишлар қилинаётир. Вазирликлар, янги ташкил этилаётган концернлар, бирлашмаларнинг раҳбарлари, бошқа ўртоқларнинг бу масалаларга диққат-эътиборини тортишимиз керак. Токи қўриқ Сирдарё вилояти нафақат хом ашё етиштириш, балки ўзига хос саноат базасига ҳам айланмоғи зарур. Бу борада отахон газета жамоаси бизларга мадад беради, деган умиддамиз.

* * *

Учрашув иштирокчилари шоирлар Ҳамроқул РИЗО ҳамда Муҳаммад ЮСУФларнинг чиқишларини қизғин шодлик ва ифтихор билан кузатдик. Ҳақиқатан ҳам ҳаммамиз учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, ҳаётимизнинг ҳар бир лавҳасини ўз ичига ол

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 12. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Лола Оқилова рақса тушади». Фильм-концерт.
8.00 «Тергов давом этади». Бадиий фильм.
9.25 Болалар учун концерт.
10.00 Турк тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнит тўлқинлар.
11.00 «Ер ости бойликлари». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Мусбат ва манфий сонлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ялқов». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.40 «Осиё овози-92» халқаро танлови: учрашувлар, таассуротлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.30 Бадиий фильм (Ҳиндистон).
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
20.55 «Суҳбатга чорлаймиз».
21.40 «Лаҳза». Хабарлар.
21.50 «Имконият». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Телпак». Бадиий фильм.
10.45 «Бир сўзни деб...».
11.15 «Марафон-15».
12.00 Янгиликлар.
12.25 «Масхарабоз».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Мен» студияси. Воронеж шаҳри.
17.35 «Эстон маятники». Нарва, Кохтла-Ярва шаҳарларидаги рус тилида сўзловчи аҳолининг аҳволи.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
18.55 «НЭП».
19.25 «Танур узра юлдузлар ҳам чарақлайди...» Телевизион бадиий фильм премьераси («Тожикфильм»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телефильм премьераси. 3-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Қаранг, ким кетди!..»
23.05 Хабарномалар.
23.40 «Евгеник ва...»
23.50 «Биз».
00.35 «ОБА-НА». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
9.45 «Сиз яратган боғ».
10.15 Уз ишининг усталари. Композитор Вячеслав Артемов портрети.
11.25 Америка шоирларининг шеърлари.
11.45 «Оқ қарға».
12.30 Мульти-пульти. «Дайди тўтининг қайтиши».
12.40 Кундузги сеанс. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 84-серия.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 «Бурда моден» таклиф этади...»
15.55 «Калит» кўрсатуви. «Конетабль тушлари». Ҳужжатли фильм.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
17.25 «Катта давра».
17.45 Мульти-пульти. «Менинг онам — сеҳргар».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Манзарали фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Душанба куни детектив. «Биринчи учрашув — сўнгги учрашув». Бадиий фильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 «Хонанда».
21.05 «Эртанги кун бугундан бошланади».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Эҳ, қўшниси тушмагурлар».
22.45 «Турникет» мусобақалари.
23.30 Аёллар салони.

Сешанба, 13. X

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар Кўса», «Алдар Кўса ва бой». Мультфильмлар.
18.35 «Муниса рақслари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 Дутор ва танбур тароналари.
19.55 «Нодир китоблар». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».
23.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.30 «Қайнона». Бадиий фильм.
00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.10 «Мусиқали меҳмонхона».
19.40 «Алоқалар ва шартномалар».
20.10 Тижорат канали. «Ўрта Осиё темир йўли: бугун ва эртага».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
10.05 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телефильм. 3-серия.
10.35 «Радуница» ашула-чолғу ансамблининг чиқиши.
10.50 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.30 Футбол шарҳи.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Бальзаминовнинг уйланиши». Телевизион фильм-балет.
13.25 «Икковлон». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Бегона қўнғироқ». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.45 Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Мармар одам» (Польша).
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ҳақиқат онлари. А. Караулов саволларига балерина Нина Ананиашвили жавоб беради.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
10.00 «Америка юлдузлари».
10.30 Вариацияли мавзу. «Мусиқий калейдоскоп».
11.20 Параллеллар. «Маданият орқали тинчликка».
11.35 «Капустин Яр. Йиллар оша нигоҳ».
12.05 Кундузги сеанс. «Тергов». Бадиий фильм.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.45 Мульти-пульти. «Ҳар оқшом ҳам».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Ота-оналар учун эртаклар.
17.40 «Келинг, аниқлаб олайлик».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Амалий санъат». Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш оила».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Қўшиқлар китоби.
21.05 «Ҳазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Ҳужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».
23.30 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 14. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Томоша». Телефильм.
7.55 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
9.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 «Низомиддиновлар оиласи». Болалар учун концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар Кўса қандай қилиб йўлбарсни лақиллатди!», «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар.
18.30 «Шоирлар — болаларга».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Хавфсизлигинг ўз қўлингда».
19.45 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳимова». Видеофильм. премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон ва Қозоғистон терма жамоалари. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Шарқ лирикаси».
20.05 «Уй-жойларни хусусийлаштириш — бозор иқтисодиёти талаби».
21.05 «Ишбилармонлар».
21.50 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Пермь).
10.05 «Югур-югур». Телефильм премьераси (Пермь).
10.25 Рус мусиқалари саҳифалари.
10.55 Мультфильмлар.
11.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.45 «Утган йилги кадриль». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Қувноқ теплоход». Нижний Новгороддан кўрсатилади.
17.20 Марокли саёҳат. «Рейс-9:10» (Испания).
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Ҳарбий ревю».
19.20 «Останкино» хит-паради.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Савой». Бадиий фильм.
22.45 «Манбалар» туркумидан телефильм премьераси (Красноярск).
23.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Исландия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ватаним менинг. «Рязань таассуротлари».
9.50 Мульти-пульти. «Қаердасан, тулпорим?».
10.00 Параллеллар. «Меҳр-шафқат даври».
11.00 «Чашмалар».
11.30 Ретро. Т. Миансарова куйлайди.
12.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
12.45 «ОЗ» кўрсатуви.
13.15 «Мен — отилган ёйман». «Яшиллар» ҳаракати ҳақида.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.35 Ишбилармонлар олами ҳафта давомида.
15.50 Эълонлар.
15.55 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.40 «Ютқазишсиз ўйин».
17.25 Янгиликлар.
17.40 Мульти-пульти. «Баджаҳл мушук», «Оқ майса».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Криминал хабарлар экрани.
20.10 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Ҳужжатли фильм. 1-серия.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Видеофильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Умид таксиси». Видеофильм.
22.50 «Бизнинг қўшиқлар».

Пайшанба, 15. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Зарипов чавандозлари». Телефильм.
7.55 «Митти қочоқ». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.05 «Фитрат». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ҳужайраларнинг ўсиши ва бўлиниши.
11.00 «Қўшиқларинг барҳаёт бўлсин». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акиро». Мультфильм.
18.30 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чорвадор».
19.50 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экология кундалиги.
19.40 Мусиқали дақиқалар.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Мультфильмлар.
10.55 Н. Будашкин номли рус халқ чолғулари ансамблининг концерти. Читадан кўрсатилади.
11.20 «Вориси йўқ». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Тор доира». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Хонатлас». Телефильм премьераси (Тошкент).
17.15 «Олеся ва компания». Болалар учун кўрсатув.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Тасвирдаги суврат». Е. Гайдар ва унинг командаси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Кинопанорама».
22.35 «Қора қути».
23.10 «Бу жозибали рақс».
00.05 Янгиликлар.
00.40 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Ҳужжатли фильм. 1-серия.
9.40 Мульти-пульти. «Қизил денгизни ким бўяб қўйди?».
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.05 «Экзотика».
11.05 «Тоғлардан ҳам яхши жой фақат тоғ бўлади» (Пятигорск шаҳри).
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 85 ва 86-сериялар.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.30 «Визнес — янги номлар».
15.45 «Рост» студияси. «Мурзилка» байрами». 1-қисм.
16.15 Янгиликлар.
16.30 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси»
17.15 Шундай яшаймиз. «Ёпиқ шаҳар».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ёшлар.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Дагарджин». Дам олиш кўрсатуви.
21.10 «Катта опа». Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.10 Спорт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.10 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
23.40 Махсус тижорат хабарномаси.
23.50 Катталар учун мультфильм.
24.00 «Ватаним менинг».

Жума, 16. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
8.05 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
9.40 Болалар учун. «Шаҳрихон гуллари».
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Вася ва овчи мушук ҳақида», «Тиканак пўстинли чўчқа боласи». Мультфильмлар.
18.30 «Шоличилик истиқболи».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
19.50 «Ўзбекистон боғлари». Телефильм.
20.00 «Машина терими тажрибасидан».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Йўқолсин севги фронтидаги чайқовчилик». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Фазовий келгиндилар». Мультфильм.
18.25 «Байкем, Эжем жана биз».
18.40 «Қайноқ қалб оҳанглари». Ҳужжатли телефильм.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Мончиктештируунун журушу қандай!»
20.15 Катталар учун мультфильм.
20.20 «Қирғиз санъати кишилари». Қирғизистон Республикаси халқ артисти К. Карасартов.
21.40 «Ала-Тоо».
21.50 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 В. Готовцева куйлайди.
11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Қувноқ бўйдоқлар». Бадиий фильм (Хитой).
13.45 «Мен кутаман...». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Марказ».
17.40 «Шеърият альбоми». Д. Веневитинов.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
18.35 «Қўриқчи». Мультфильм.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Ҳамжиҳатлик йўли».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Отчопар». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
22.55 «Олдиндан сезиш». Телефильм премьераси (Санкт-Петербург).
«ВИД» таништиради:
23.10 «Сиёсий бюро».
23.45 «Музобоз».
01.00 «МТВ». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ватаним менинг. «Рязань таассуротлари».
9.50 Мульти-пульти. «Қаердасан, тулпорим?».
10.00 Параллеллар. «Меҳр-шафқат даври».
11.00 «Чашмалар».
11.30 Ретро. Т. Миансарова куйлайди.
12.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
12.45 «ОЗ» кўрсатуви.
13.15 «Мен — отилган ёйман». «Яшиллар» ҳаракати ҳақида.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.10 Телебиржа.
15.40 «Рост» студияси. «Мурзилка» байрами». 2-қисм.
16.10 Янгиликлар.
16.25 «Келинг, аниқлаб олайлик».
16.40 «М-трест».
16.55 Жума кунлари Уолт Дисней. «Биг Фут». Бадиий фильм. 1-серия.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Осиё тароналари.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Ўрта Осиё». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Хонанда».
21.45 Туркия манзаралари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Кечки салон.
24.00 «Чакана киши эмас».
00.25 Россия Конституцион суди залидан.
00.55 «Экзотика».

Шанба, 17. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ёнар тоғ хазинаси». Бадиий фильм.
9.15 «Шоҳруҳ клуби».
9.45 «Олтин ярпоқ». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстхўжаев.
10.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга—минг танга».
11.30 Телефильм.
12.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида).
13.00 Тижорат канали. «Таниш-шинг: «Диалог интернейшнл».
13.20 «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Сенинг, шошмай тур». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Мерос. «Баёт».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 Нодира таваллудининг 200 йиллигига. «Тановор» рақс ансамбли ижросида «Нодира» спектакли премьераси.
22.05 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «Ўз-ўзингга мадад бер».
9.55 «Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан».
10.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
10.45 «Ксениянинг мактублари». Телефильм премьераси.
11.35 Ёдда қолган фильмлар. «Румянцев иши». Бадиий фильм («Ленфильм», 1955 й.).
13.25 «Мусиқий дўкон».
13.55 «Колима. Урушдан кейинги уруш». Телефильм премьераси. 3-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Никитанинг болалиги». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Биринчи муҳаббат» туркумидан (Болалар ва ўсмирлар телефильмлари студияси, «Экран» ижодий уюшмаси).
16.35 «Қизил квадрат».
17.15 «Лайлак ҳақида эртак». Мультфильм.
17.25 «Қувонч ва умид уйи» телемарафони. Олмаотадан репортаж.
17.45 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.10 Москва Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. Дирижер — П. Коган.
18.55 «Фил ва кўпикча». Мультфильм.
19.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тирранча». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Аншлаг. Аншлаг. «Бахмал куз».
22.50 «Қувонч ва умид уйи» телемарафони. Олмаотадан репортаж.
23.10 «Анне Вески — Москвада».
00.05 Янгиликлар.
00.45 Охирги киносеанс. «Пришвиннинг қоғоз кўзлари». Бадиий фильм («Ленфильм»).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ҳужжатли панорама.
9.15 Виолончелда Б. Пергаменшчиков чалади.
9.30 «Хулқ-атвор».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.30 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабела». Бадиий фильм.
12.35 «Кузирхоним».

*

13.05 — 16.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

«Безнен мирас» (татар тилида).
«Чисен» (корейс тилида).
«Қизиқувчилар оламида».
«Поляклар меҳмонхонаси».
«Интерспорт».

*

16.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.55 «Билл Грэм билан суҳбат»
17.25 Спорт кўрсатуви.
17.30 «К-2» таништиради: «Абзац».
18.00 Хабарлар.
18.20 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Тоғ сўқмоқларида». Ҳужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 «Моҳир сузувчи». Бадиий фильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Шчеликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан».
22.45 «Ассорти».
23.15 «А» кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.35 Экранда Туркия киноси.

Якшанба, 18. X

● ЎзТВ I

7.00 Ҳужжатли фильмлар экрани.

*

8.00 «Нодир шахс». Бадиий фильм.
9.20 Спорт кўрсатувлари: 1. Ёш полвонлар мактаби. 2. «Ўзбекистон спорти».
10.20 Донн Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
12.00 Рамз Бобожон, Фарҳод Олимов. «Юсуф ва Зулайҳо». Муқимий номидаги мусиқий театр спектакли.

* * *

18.00 «Сенинг, шошмай тур!». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Катталар учун мультфильм.
19.40 «Хўжа Насриддиннинг кулгиси».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳормайг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгилбектин», «Баластан», «Ҳамма, ҳаммага хайрли кун!», Бадиий фильм, мультфильм.

* * *

18.05 «Ҳамма учун уй». Мультфильм.
18.30 «Новинки» киноклуби (рус тилида).
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Элет эстрадаси». «Арашан» ансамблининг концерти.
20.25 «Залкар драматург». Қирғизистон Республикаси халқ ёзувчиси Т. Абдимўминов.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Эрта саҳарлаб».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Винтик ва Шпунтик — қувноқ усталар». Мультфильм.
9.05 «Хива нақшлари» ўзбек фольклор ансамблининг концерти.
9.30 «Димковода баҳор». Телефильм премьераси.
9.45 «Алешанинг эртаклари». Мультфильм.
9.55 «Тонг юлдузи».
10.45 «Пи» белгиси билан».
11.35 Янги авлод танлайди.
12.25 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 14-серия.
12.50 Шоир Л. Ошанининг юбилей концерти.
14.10 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 1-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 «Кичкинтой ёнот». Мультфильм.
16.20 «Крокодил»—70 ёшда».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.40 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.55 «Уолт Дисней таништиради...»
19.45 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори Л. Николаева куйлайди.

Якшанба кинокўрсатуви

20.00 Кино янгиликлари.
20.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Бош инспектор». Бадиий фильм (АҚШ).

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Парадиз-коктейль». В. Леонтьев иштирокида.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.50 Мульти-пульти. «Икки рицарь».

*

9.00 — 10.15
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

«Қудратимиз — дўстликда». «Умид» (уйғур тилида).

*

10.15 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 8-серия.
10.45 «Ати-бати...».
11.15 Телекроссворд.
11.45 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Севишганлар». Бадиий фильм.
13.05 «Калит» кўрсатуви. «1812 йил момақалдироғи». 8-фильм.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 «Лого» телеўйини.
14.25 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 6-серия.

*

14.40 — 16.15
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

Телевернисаж.
«Қардошлик оҳанглари».
«Ҳамкорлик» кўрсатуви.

*

16.15 «Познер ва Донахью».
16.45 «Ҳайвонот оламида».
17.45 Спорт кўрсатуви.
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
18.00 Хабарлар.
18.20 Параллеллар. «Маданият орқали тинчликка».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Алвидо, қурол».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Контрастлар».
21.40 Парламент хабарномаси.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Масин-шоу».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 9 октябрь сонидан олинди.

«